

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАНБАИ СИФАТИДА

**Астанов Шерзод Рустамович**

Бухоро вилояти халқ таълими ходимларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти  
ўқитувчиси

[astanov-sherzod@mail.ru](mailto:astanov-sherzod@mail.ru)

ID [orcid.org/0000-0001-5179-219X](https://orcid.org/0000-0001-5179-219X)

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-10>

**Аннотация.** Ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналар тушунчаси ва уларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни ёритилган. Бундан ташқари эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик, амалдаги ҳолатни кўрсатувчи сатистик маълумотлар, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожда ўз ечимини кутаётган масалалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий зона, диверсификация, инфратузилма, минтақа иқтисодиёти, яши миллий маҳсулот.

## СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ КАК ИСТОЧНИК РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**Аннотация.** В данной статье освещены понятие свободных экономических зон и их роль в развитии экономики страны. Кроме этого, изложены

законодательство, направленное на регулирование деятельности свободных экономических зон, статистические данные, показывающие настоящее состояние, а также вопросы развития свободных экономических зон, ожидающие своего решения.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона, диверсификация, инфраструктура, региональная экономика, валовой национальный продукт.

### FREE ECONOMIC ZONES AS A SOURCE DEVELOPMENT ECONOMY OF COUNTRY

**Annotation:** In this article the concept of free economic zones and their roles in developing national economy have been enlightened. Besides, the issues on the legislation, regarding the regulation the activity of free economic zones, and statistic databases, revealing the actual state, as well as problems in development of free economic zones, expecting settlement, have been outlined.

**Key words:** free economic zone, diversification, infrastructure, regional economy, gross national product.

Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналар бу мамлакат иқтисодиётини ривожлантирадиган, унинг истиқболига туртки бўладиган муҳим омил ҳисобланади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир устувор йўналиш – чел эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман” [1].

Дунё миққиёсида аҳоли сони 7 млрддан ошган бўлиб, уларни боқиш масаласи, дунё ҳамжамиятининг олдида турган энг муҳим масала бўлиб қолмоқда [2].

Дунё аҳолисини иқтисодий, ижтимоий таъминлаш учун бугунги кунда сайёрамизда мавжуд резервларнинг ҳам чегераланганлиги кўпчиликка сир эмас. Бу каби муаммоларнинг ечими сифати энг аввало мавжуд захиралардан оқилона фойдаланиш зарур бўлса, иккинчидан дунё аҳолисини қийнаётган ишсизлик муаммосини бартараф этиш талаб этилади. Бундан ташқари ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам ёшларнинг ишсиз қолаётганлиги ҳолати учраб турибди. Бу масаланинг ҳал қилиниши йўли сифатида, кўпгина давлатлар ҳозирги кунда ривожланиб бораётган эркин иқтисодий зоналарни яратиш ва бу орқали импорт маҳсулотларини нархини камайтиришга уруниш, янги иш ўринларини шаклантириш орқали мамлакатни инқироздан чиқаришнинг ягона йўли сифатида баҳолашмоқда.

Масалан, статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗлар ташкил этилган бўлиб, улар 140 га яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир [3].

Ўзбекистоннинг аҳолисининг 60 % ёшлар (30 ёшгача) ташкил қилишини инобатга олидиган бўлсак, бу ҳолатнинг нақадар долзарб эканлигини тушуниш мумкин [4].

Бу ҳолат эса тезкорлик билан ёшларга иш жойларини яратиб бериш, ўз навбатида инвестицион лойиҳаларни жалб қилиш ва бу масалада ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги вақтда Навоий, Жиззах ва Ангрен ҳудудларида эркин индустриал зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Берилган

имтиёзлар корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга имкон яратмоқда [5].

Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши юзасидан дунё ҳамжамиятини лол қолдираётган бўлсада, муаммоли вазиятлар юзага келишини олдини олиш талаб қилинади. Чунки Ўрта Осиё халқларида ҳозирги кунда ёш, ақли ёшларнинг ишлаш учун хорижий мамлакатларга чиқиб кетиш ва ўша ерларда қолиб кетиш ҳолатлари учраб турибди. Бу ҳолатни бартараф этиш келажагимиз давомчилари бўлган ёшларга муносиб турмуш ва иш шароитларини яратиб бериш билангина ўз ечимини топиши мумкин ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналар ўз навбатида:

- Чет эл инвестициясини кириб келиши;
- Янги иш ўринларининг пайдо бўлиши;
- Оқсаб турган соҳаларни ривожлантириш;
- Мавжуд ривожланган соҳаларни янада такомиллаштириш;
- Мамлакатнинг экспорт қобилиятини ошириш;
- Импорт маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни камайтириш;
- Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш;
- Мавжуд корхоналар ўртасида рақобатни юзага келиши;
- Валютани четга чиқиб кетмаслиги каби ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳамма ЭИЗлар ҳам фақат ижобий натижалар беравермайди. Масалан, ЭИЗларни биринчи марта жорий этишда Ўзбекистонда ҳам айрим муаммоларга дуч келган. Бу ҳаракатлар 90-йилларда бошланган бўлиб, Самарқандни Туризмга ихтисослаштирилган эркин иқтисодий зонани шакллантиришда юзага келган. Бундан ташқари бу ҳолатлар «Жиззах» (1996 й.),

«Самарканд» (1997 й.), «Нукус» (1998 й.) такрорланган. Ушбу муаммоларни юзага келишига сабаб эса, экспертиза институти имкониятларидан фойдаланиб олдинни кўра билиш, прогнозлаштириш, экспертларнинг муаммони ўрганиб, юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ўрганилмаганлиги сабаблидир.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш эса қуйидаги йўналишларда экспертизалар ўтказиш талаб қилинади:

- ЭИЗ турини тўғри танлай олиш (прогнозлаштириш);
- Уларни қайси ҳудудда жорий этиш самарали эканлигини аниқлаш;
- ЭИЗларни ташкил вақтини тўғри аниқлай олиш;
- ЭИЗ қулай жойда жойлаштириш (аэропортнинг, ишчиларнинг бориб келиши ва фаолиятига қулайлиги);
- ЭИЗга киритилаётган инвестицияларни энг самаралисини аниқлашда ҳалол танлов тизимини жорий қилиш;
- Чет эл инвесторларига муносиб шароитларни яратиб бериш;
- Уларга турли хизмат кўрсатиш турлари пакетини тақдим эта олиш;
- Озод қилиниши лозим бўлган солиқ турларини тўғри қўллаш олиш;
- Чел эл ва миллий тадбиркорларни таваккалчилигини инобатга олиб улар фаолиятни суғурталаш;
- ЭИЗларда юзага келиши мумкин бўлган ёки юзага келган давлат ва корхоналар ёки корхонлар ўртасидаги нозоларни тўғри ҳал қилиш;
- ЭИЗларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўра билиш;

- ЭИЗлардан кутилаётган натижага эришиш йўллари тўғри англай олиш;

- Ушбу барча муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий базани (қонунчилик тизимини) тўғри шакллантира олиш.

Мамлакатимизда ЭИЗларни ривожлантириш мақсадида бир қатор йўналишларда ислохотлар ўтказилишини тақозо этади. Ушбу эҳтиёжлар долзарблиги қуйидагиларда ифодаланади:

➤ Ҳозирги кунда дунё бўйича интегралашув тенденция кетаётган бир даврда бир неча давлатларнинг ўз қизиқишлари ва иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, маълум бир соҳаларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорликни амалга оширишга интиломоқдалар. Бу ҳаракатларни Россия, Белоруссия давлатларининг эркин божхона зонасини яратиш йўналишидаги ҳаракатларини, бундан ташқари Япония, Хитой ва Жанубий Кореянинг эркин савдо зоналарини яратиш режалаштирилганлигида кўрса бўлади [6]. Бу каби истиқболли режаларни тузиш ва унинг имкониятларини билиш қобилиятига эга ҳам ҳуқуқни ҳам иқтисодни ҳамнафас олиб бора оладиган, ЭИЗларда чет эл инвесторлари ва корхоналари билан рақобат қила оладаган кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш ва кучли мутахасислар, экспертларни кўпроқ етиштириш талаб этилади;

➤ Қайси соҳаларда эркин иқтисодий зоналарни тузиш мумкинлиги ва уларни тузишнинг самарасини тўғри аниқлай оладиган ҳар томонлама мукамал илмий тадқиқот ишлари олиб бориш лозим;

➤ ЭИЗларда яратилган имкониятларни кўрсата оладиган чуқур таҳлилий кўринишга эга бўлган реклама тизимини яратиш ва ривожлантириш керак;

➤ “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” ги қонун [7], «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида Президент фармони қабул қилинган (2017 йил 12 январь) бўлсада, ушбу йўналишдаги қонунчилик базасини ҳал ҳам бойитиш эҳтиёжи мавжуд.

➤ Амалдаги қонунлардан ўз таъсирини йўқотиб бораётганларини ҳуқуқий экспертиза ўтказиш йўли билан вақтида аниқлай олиш тизимини жорий этиш талаб этилади.

➤ ЭИЗларда юзага келиши мумкин бўлган низони миллий ва халқаро миққиёсда ҳал қилинишга қаратилган ўтказилиши лозим бўлган экспертизалар турлари ва аҳамият доирасини аниқлаш керак.

➤ Ҳуқуқий экспертизаларни амалга оширувчи шахсларга нисбатан масъуллиги ва жавобгарлиги ва ушбу жавобгарлик турларини қайси ҳолатда қай даражада қўллаш масаласи қонунчиликда очиқлигича қолган.

➤ Бундан ташқари Ўзбекистон ҳудудида «Навои» [8] («Навои» ЭИЗ) иқтисодий индустриал зонаси, «Ангрен» [9] («Ангрен» ЭИЗ) ва «Жиззах» («Жиззах» ЭИЗ) махсус индустриал зоналари яъни саноатни ривожлантиришга қаратилган зоналар шакллантирилган бўлиб, ушбу ижобий ютуқларни бошқа йўналишларга ҳам масалан, интеллектуал иқтисодий зоналарни яратиш эҳтиёжи баландлигини кўрсатмоқда.

➤ Ўзбекистонда ЭИЗлар тўлиқ давлат томонидан тузилади ва назорат қилинади. Японияда эса ушбу ҳаракатлар Муниципал органлар томонидан асосан амалга оширилади. Ушбу йўналишда айрим ваколатларни давлатда қолдириб, айримларни маҳаллий органларга берилиши янада самаралироқ бўлган бўларди. Чунки ҳужжатларни тезроқ

алмашунувини ва тизимнинг тезкорлик билан ишлашига ёрдам берган бўларди.

Япония дунё миққиёсида ЭИЗлар ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Биргина 2013-2014 йилларда у ерда 7 та ЭИЗлар яратилган. Бу ЭИЗлар Япониянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ушбу ЭИЗлар қаторига “Хоккайдо озиқ овқат комплекси», «Цукуба», «Азиатский штаб» (Токио ш.), «Прибрежный инновационный район Кэйхин», «Первый азиатский авиапромышленный кластер», «Инновационный район Кансай», «Зеленая Азия»ларни киритиш мумкин.

Ушбу зоналарни бошқариш префектуралар бошқарув ораганлари ва катта компаниялар томонидан амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Япония, Хитой, Жанубий Корея ўртасида тузилиши режалаштирилган лойиҳа ҳам дунёдаги энг катта давлат божисиз фаолият юритадиган эркин савдо бозорини яратишга қаратилган. Агарда бу лойиҳа амалга оширилса, бу давлатдаги товар алмашинувчи дунё ялпи ички маҳсулотнинг 20%ни, дунё савдо оборотининг 17,5 %, дунё аҳолисининг 22%ни ташкил қиладиган бўлади [10].

Юқоридаги Япониянинг ушбу йўналишдаги ютуқларини инобатга олиб мазкур давлат тажрибасини ўрганиш ва ўзимизнинг миллий тизимимизда қўллаш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Бу ҳолат тадқиқотни олиб боришни айнан Японияда олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигини яна бир исботи ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадларга эришиш мақсадида бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қуйидаги таклифларни олға сурмоқдамиз:

1. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича Республика миққиёсидаги ёки маҳаллий ёки



нодавлат ташкилотларининг экспертиза ўтказиш тизимини ва улар томонидан амалга оширилиши керак бўлган фаолият турларини белгилаш талаб қилинади.

2. Халқаро шартномалар ёки ички шартномаларнинг ҳуқуқий экспертизаси ва унга қўйилган талаблар бўйича норматив ҳужжатлар мавжуд эмаслиги боис ушбу йўналишда норматив ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқиш керак.

3. Ўтказилган экспертизаларнинг оқибатлари, муддатлари, уларни текширадиган экспертларга қўйилган талабларни жорий этиш керак;

4. Маълум бир соҳаларда миллий экспертлар гуруҳи муаммони ҳал қилишда ёрдам бера олмаса, хорижий мамлакатлар экспертлар гуруҳлари билан ишлаш тизими, улар билан шартномалар тузиш талаблари ишлаб чиқилиши керак;

5. ЭИЗлар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун муҳим бўлган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар рўйхати ва улар қабул қилингандан кейин ўз аҳамиятини йўқота бораётганларини вақтида аниқлай олидиган ҳуқуқий экспертизалар ўтказиш тизимини такомиллаштириш.

6. Инвестицион лойиҳалар пакетини экспертизадан ўтказиш тартиби, замонавий талабларини жорий қилиш тартибини такомиллаштириш.

7. Давлат томонидан ЭИЗларда фаолият юритадиган корхоналарни аудиторлик текширувлар ўтказишида ёрдам берувчи давлат органлари тизимини белгилаш.

8. ЭИЗларда ишлаб чиқилган махсулотнинг сифатини текширадиган экспертлар гуруҳини тузиш ва уларнинг фаолият йўналишлари белгилаб олиш.

9. ЭИЗлар иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида давлатлар орасида низо юзага келганда ёки давлат ва хорижий ташкилот ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида экспертиза тайинланадиган халқаро экспертлар гуруҳини шакллантириш талаб қилинади.

10. Ҳуқуқий экспертизаларни амалга оширувчи экспертларнинг масъулияти ва жавобгарлик доираси бўйича мезонлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли қонунларга киртиш талаб қилинади.

Демакки, ушбу ЭИЗлар ҳозирги кунда нафақат бизнинг мамлакатимиз учун балки дунё давлатлари учун ҳам жуда муҳим, керакли бўлган соҳа бўлишига қарамай, ҳали ушбу соҳани таҳлил этиш, ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотларга эҳтиёж баланд. Бу ҳолат эса ҳар томонлама таҳлил қилинган ривожланган мамлакатларни айниқса, ЭИЗлар ривожланган Япония амалиётини ўрганишни унинг ижобий жиҳатларини бизнинг миллий тизимимизда қўллашни тақозо этади.

## ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимизватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // “Халқ сўзи”, 2011 йил, 22 январь.
2. <http://ru.wikipedia.org/wiki>
3. <http://www.finance.uz/top/cat/economy/svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana>
4. <http://pda.regnum.ru/news/society/1490554.html>
5. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. <http://www.uzlidep.uz>.
6. [http://rus.ruvr.ru/2013\\_07\\_19/CHto-meshaet-aziatskim-tigram-sozdat-zonu-svobodnoj-torgovli-0882](http://rus.ruvr.ru/2013_07_19/CHto-meshaet-aziatskim-tigram-sozdat-zonu-svobodnoj-torgovli-0882).
7. Закон Республики Узбекистан «О свободных экономических зонах» был принят 25.04.1996 г. за № N 220-I.
8. Подробная информация о детальности СЭЗ представлена на официальном сайте <http://fiez.uz/>
9. Подробная информация о детальности СЭЗ представлена на официальном сайте <http://test.stream.uz/>
10. [http://focusonjapan.ru/kitai\\_japan\\_i\\_yznaa\\_korea.jsp](http://focusonjapan.ru/kitai_japan_i_yznaa_korea.jsp)